

Сийрат дарслари (214-дарс) Баъзи шеърда ҳикмат бор



19:00 / 21.01.2023 2153

830. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, баъзи шеърда ҳикмат бор», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

831. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳассонга масжидда минбар қўйиб берар эдилар. У унда тик турганича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан фахрланар ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Модомики Ҳассон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар ёки у зот билан фахрланар экан, Аллоҳ албатта уни Рухул Қудус (Жаброил) ёрдамида қўллайди», дер эдилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

* * *

832. Рубайийъ бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйим бўлган куни келиб, худди сен ўтирганга ўхшаб тўшагимга ўтирдилар. Шунда қизчалар чилдирма чалиб, Бадр куни қатл бўлган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Улардан бири: «Орамизда эртага нима бўлишини биладиган Набий бор», деди. Шунда у зот: «Буни қўй, аввал айтаётганингни айт», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

833. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Қиёмат куни ҳар бир вафосиз учун алоҳида байроқ тикилади ва «Мана бу Фалон ибн Фалоннинг вафосизлиги» дейилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан